

“Темур тузуклари” давлат бошқаруви.

*Жиззах давлат педагогика институти
Тарих ўқитиши методикаси кафедраси
катта ўқитувчиси Зиёдулла Холбоев.
Тарих факультети 102-гуруҳ талабаси
Сайдамов Шахзод.*

Аннотация

Мақола “Темур тузуклари”да давлат бошқарув тизими ва унинг бизнинг давлатимизда кадрлар тайёрлашдаги аҳамиятига бағишлиланган.

Калит сўзлар: “Темур тузуклари”, ясо, Сиёсатнома, давлат, адолат, вазир, тўра

Аннотацион

Article is dedicated to systems of state government in Timur principles and its essence in human resources development in our country.

Keywords: "Temur's rules", yaso, Politics, state, justice, minister, tora

Аннотация

Статья посвящена вопросам системы государственного управления в Улажениях Темура и его значении на подготовку кадров в нашем государстве.

Ключевые слова: «правила Темура», ясо, Политика, государство, юстиция, министр, тора.

Жаҳон тамаддуни тараққиётида катта из қолдирган буюк давлат арбоби, марказлашган давлат асосчиси Соҳибқирон Амир Темур даври тарихи ўзининг ҳаққоний баҳосини ўрта аср муарриҳлари асарларида тилга олинган бўлиб, бугунги кунда ушбу асарлар орқали буюк аждодимиз тарихи чуқур эҳтиром билан ўрганилиб келинмоқда.

Юртбошимизнинг ўз маърузасида, “Амир Темур - тарихда энг буюк шахслардан бири. Ажабланарлиси шундаки, XIV асрнинг энг ёрқин ва

мўътабар зотининг буюклиги кейинчалик ҳар турли афсоналару уйдирмалар гирдобида қолиб кетди.

Ҳайрият, ҳақиқат юзага келди. Амир Темурнинг йирик давлат арбоби, ўрта аср ислоҳотчиси, жасур адолатпеша, фан ва маданият ҳомийси сифатидаги сиймоси ҳар турли мафкуравий таъсиротларга, камситилган ва адолатсиз баҳоларга қарамай, асрлар оша яшаб келди”¹-дейилган.

Дарҳақиқат, кишилик тарихий тараққиётида маълум мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятларни ҳал қилувчи шахслар ҳиссаси муносиб баҳоланганд. Бинобарин, уларнинг бунёдкорлик ишлари келгуси авлодлар эътиборини катта куч билан ўзига жалб этиши табиий холдир.

Ўзбек давлатчилиги тарихида катта из қолдирган Амир Темур адолатли, маърифатли давлат арбоби бўлиб, ўзидан олдинги давлатлар бошқарувидан яхши хабардор бўлган. У зот Чингизхон “Ясо”сини ҳам, Мухаммад пайғамбар ва чорёрлар халифалиги давлати қандай бошқарилганини ҳам, салжуқ султонлари давлатининг маърифатли вазири Низом ул-Мулкнинг “Сиёсатнома” асарини ҳам яхши билар эди. Шунинг учун ўз давлат бошқарувини ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солишда ўтмиш ҳукумдорларининг инсонпарвар ғояларидан фойдаланиб, ўз “тузугини” ишлаб чиқди.

“Темур тузуклари”да жамият ва давлат бошқарувнинг барча соҳаси қамраб олинган бўлса-да, биз ушбу мақоламизда давлат бошқарувига оид баъзи жиҳатларини ёритамиз.

Соҳибқироннинг “тузуклари” икки қисмдан иборат тарихий ва ҳуқуқий асар бўлиб, унда давлат тузулиши ва мамлакатни бошқариш хусусидаги нуқтаи назари баён этилган.

Асарнинг иккинчи қисми Амир Темурнинг номидан айтилган ўзига хос васият ва панду насиҳатлардан иборат. Унда салтанатни бошқаришда қандай кишиларга таяниш, келажакдаги таҳт ворисларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини тайнлаш, сопоҳийларнинг маоши, давлат лавозимларидағи арбобларнинг, қўшин бошлиқларининг

¹ Амир Темур жаҳон тарихида. Т., “Шарқ”, 2001, 3-бет.

бурчи ва вазифалари ҳамда давлат олдида кўрсатган алоҳида хизматлари учун тақдирлаш каби жиҳатлари ҳақида гап борган.

Бизга маълумки, Амир Темур давлати икки бошқарув идорасидан иборат бўлиб, даргоҳ ва девондан ташкил топган. Девонни ташкил этувчи масъул шахслар хислатлари ҳақида Соҳибқирон шундай дейди, - “...вазирлар ушбу тўрт сифатга эга бўлган кишилар бўлишлари лозим: биринчиси - асилик, тоза насилик; иккинчиси – ақл-фаросатлилик; учинчиси – сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомилада бўлишлик; тўртинчиси – сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик”.²

Соҳибқирон жамият ва давлат бошқарув ишларини еттига вазирликка тақсимлаб, уларниг функциясини белгилаб берган. Бу етти вазирдан тўрттаси доимо Соҳибқирон хузурида бўлиб, колган учтаси вилоятларни бошқариш билан шуғулланганлар.

Биринчи - мамлакат ва раият вазири. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муаммоларни, раият аҳволини, вилоятлардан олинадиган ҳосил, солик-ўлпонлар, уларни тақсимлаш, кирим-чиқимларни, мамлакат ободончилиги, аҳолининг фаровонлига ва хазинани қандай қилиб тартибга келтираётганлигини ҳақида Соҳибқиронга маълумот ва ҳисбот бериб турган³.

Иккинчи - ҳарбий вазир. “Тузук”да Соҳибқирон уни сипоҳ вазири, дейди. У сипоҳларнинг маошлари ва танҳоларини (сипоҳ, бек, амир ва бошқаларнинг тожу тахт, давлат учун қилган хизматлари эвазига бериладиган инъомларни) бошқарган. Кўшин тарқоқ ҳолатга тушиб қолмаслиги учун доимо сипоҳ аҳволидан кўз-кулоқ бўлиб, уларнинг аҳволи ҳақида Соҳибқиронга хабар бериб турган.

Учинчи вазир – эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётган савдогарлар мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларни, уларнинг ўтлоқ-яйловларнин бошқариб, буларнинг барисиданигилган даромадларни омонат тарзида сақловчи

² Темур тузуклари. Т., Фофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991 йил. 74-75-бетлар.

³ Темур тузуклари. Т., Фофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991 йил. 85-бет.

вазирдир. У ғойиб бўлганлар ва ўлганларнинг мол-мулки бўлса, меросхўрларига топширган.

Тўртингчи вазир (хазиначи) - салтанат ишларини юритиш билан шуғулланган. У бутун салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган тамом (барча) ҳаражатлар, ҳатто отхона ва саройдаги бошқа жонзотларга (от, уловга) қилинган ҳаражатларгача огоҳ бўлиши керак⁴.

5,6,7-вазирлар - салтанат чегараларидаги мамлакатлар, давлат чегараларини бошқариб турадилар. “Яна амр қилдимки, сарҳадлар ва менга тобе мамлакатларга оид (ишларга масъул) уч вазирдан иборат давлат ҳайъати (холиса) тузилсин. Улар мазкур ерлардаги молиявий муомалаларни ва келадиган даромадларни бошқарсингилар”⁵.

Юқорида айтилган етти вазир давлат раҳбарига ҳисоб берувчи бир кишига - девонбегига бўйсинган. Девонбеги мансаби Сомонийлар давридан бошлаб, Туркистондаги барча давлатларда ҳам мавжуд бўлган. Амир Темурнинг садоқатли сафдоши амир Довуд девонбеги эди⁶.

Тарих гувоҳлик берадики, давлатчилик тарихида бошқарув тизими халқига, ватанига муҳаббати бўлмаган ҳар қандай шахс қўлига ўтса парокандалик ва таназзулга юз тутиши муқаррардир. Хусусан, “...Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, уни вазирликдан тушириш лозим. Наслю зоти ёмон, ҳasadчи, кина-кеқ сақловчи, қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин. Бузуки, қора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада кулайди”⁷.

Соҳибқироннинг “тузук”даги бундай теран фикрга келиши унинг ўтмишдаги давлатлар тарихни жуда яхши билишидан далолатdir. Яъни,

⁴ Темур тузуклари. Т., Фофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991 йил. 85-бет.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т., “Камалак”, 1994йил, 225-бет.

⁷ Темур тузуклари. Т., Фофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991 йил. 75-бет.

“тузук”да шундай мисол келтирилади, - “Маликшоҳ Салжуқий ўз вазири Низом ул-мулкни мартабасидан туширди. Вазир бошдан-оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумқадам вазирнинг қабиҳ ишлари, зулми-ситами ва нафси бузиқлиги касофатидан салтанат биноси бузила бошлади”⁸.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қудратли давлат асосчиси Соҳибқирон Амир Темур ўзигача бўлган давлатлар ва уларнинг бошқарув тарихини мукаммал билганлиги сабабли, ўзи тузган давлат лавозимларига қўйилажак масъул шахсларнинг насл-насабига, иқтидорига, халқига ва ватанига даҳилдорлик ҳиссига алоҳида эътибор берган.

Юртбошимиз таъкидлаганидек - “Шахсан мен «Темур тузуклари»ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга тақрор-тақрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман”⁹.

“Темур тузуклари”да келтирилган кадрлар масаласидаги панд-насиҳатлар бугунги миллий мустақил давлатимиз учун ҳам дастур амал бўлмоғи шарт. Чунончи, бугунги қунда “Ёшларга оид давлат сиёсати”, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”дан кўзланган мақсад миллат ва ватан тақдири билан ўз тақдирини боғлаган, юксак тараққиёт учун хизмат қиласидиган баркамол ёш авлодни тарбиялашдир.

⁸ Ўша жойда.

⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, 27-28-бектлар.